БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 13 (3751).

19 ЯНВАРЬ

ЖУМА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СЪЕЗД ЗАЛИДАН

ФОТО ЛАВҲАЛАР

Юқоридаги суратда съезд қатнашчиларидан бир группа ўртоқларни кўриб турибсиз, (пастда) съезднинг мажлислар залида.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИГА

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика ўқитувчиларининг III съезди делегатларини ва сизлар орқали совет Ўзбекистони шонли знёлиларининг илғор отрядларидан бири — халқ маорифи ходимларининг кўп минг кишилик армиясини қизғин ва самимий табриклайди.

Республика ўқитувчиларининг учинчи съезди совет кишилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонлаб, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ҳамда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ курашига кўтарилган тарихий бир пайтда ўтмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда чинакам маданий революция амалга оширилди. Революцияга қадар қоронғулик ва жаҳолат ҳукм сурган Ўзбекистон тарихан қисқа муддат ичида ёппасига саводхон республикага айланди. Бу ерда умумий мажбурий таълим асосан амалга оширилди, ўрта ва олий таълим муваффақият билан ривожланиб бормоқда, миллий интеллигенциянинг катта отряди тайёрланди. Буларнинг ҳаммасида ўсаётган ёш авлодни ўқитиш ва уларни коммунистик рухда тарбиялашдек олийжаноб ишга ўзининг бутун куч-қуввати ва қалб ҳароратини бағишлаётган бизнинг шонли ўқитувчиларимизнинг шак-шубҳасиз хизматлари бор.

КПСС XXIII съезди онгли, юксак билимли ва ҳар томонлама камол топган коммунизм қурувчиларини тарбиялаб етиштиришда мактабнинг роли ошганлигини таъкидлаб ўтди. Съезд қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг «Ўрта—умумий таълим мактаблари ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарорларида мактаблар ва халқ маорифи бўлимлари ходимлари зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланган. Шу беш йилликнинг ўзидаёқ умумий ўрта таълимга ўтишни асосан тугаллаш, умумий, меҳнат ва политехника таълими сифати ва мазмунини янги босқичга кўтариш, уни фан ва техниканинг ҳозирги ривожланиш даражаси билан мувофиқлаштириш керак.

Мактаблар педагогика коллективлари ва халқ маорифининг бошқа ходимларининг куч-ғайрати ва ижодий ташаббусини ўқитиш сифатини тинмай ошириб боришга, ўқувчиларни ҳаддан ташқари банд қилиб қўйишни бартараф этишга ,бир синфда икки йил қолиш ҳамда ўқувчиларнинг мактаблардан кетиб қолишларига барҳам беришга, тарбиявий ишларни яхшилашга йўналтирмоқ керак.

Барча ўқитувчиларнинг ғоявий савияси ва методик маҳоратини ҳар томонлама ошириш билан амалда мактабларнинг педагогика коллективлари ўқувчиларни ҳаётга онгли равишда касб танлашга тайёрлаб боришлари, уларнинг билим доирасини ривожлантиришлари, уларга билимларга қизиқиш, меҳнатга муҳаббат туйғуларини сингдириб, уларда юксак совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми ҳис-туйғуларини тарбиялаб етиштиришга эришмоқлари зарур. Мана шу вазифаларни бажаришда педагогика фанининг ролини кутармоқ керак. Мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш устида куч сайин иш олиб бормоқ, уларда барча зарур ўқув кабинетлари ва устахоналар вужудга келтирмоқ, уларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминламоқ, ўқитишда техника воситаларини тобора кенгроқ жорий қилмоқ зарур.

Мактаб таълимини такомиллаштириш умумхалқ ишидир. Бу иш мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасида ниҳоятда чамбарчас алоқа ўрнатилган тақдирдагина муваффақият билан амалга оширилиши мумкин.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, барча совет кишилари ўқитувчини ғоят севадилар, унинг олижаноб меҳнатининг кадр-қийматига етадилар, ўқитувчининг эҳтиёжлари ва турмуши тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб турадилар. Шунинг учун ҳам республика ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимларининг бурчи халқнинг улуғ ишончини оқлаш ҳамда мактаб олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашга янада зўр ғайрат билан киришиб кетишдан иборатдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети республика ўқитувчилари III съезднинг самарали ишлашини тилайди ва республикамизнинг шонли ўқитувчилари ҳамма вақт коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бўладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Азиз ўқитувчи, халқ маорифи ходимлари, ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик, катта бахт-саодат ва коммунизмнинг ёш қурувчиларини ўқитиш ва тарбиялаб етиштиришдаги олижаноб ишингизда ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЁШЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ, СИЗЛАРГА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Муаллим... Бу зотни ким билмайди... Уни умр бўйи дилида ардоқлаб эслаб юрмайдиган одам бормикин...

Олим ва ғишт терувчининг, тўқувчи ва шоирнинг, пахтакор ва космонавтнинг тинчи-тинчимас ва унутилмас мураббийси, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган ўқитувчининг меҳнатига тенг келадиган бошқа меҳнат бормикин...

Ўзбекистон маориф ходимлари кўп минг кишилик армиясининг намояндалари қилинган ишларни якунлаш, партия XXIII съездининг халқ маорифини янада ривожлантириш соҳасидаги қарорларини, шунингдек КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрта умумий таълим мактаблари ишини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажаришга доир энг муҳим масалаларни ва шу қарорларни амалга ошириш йўлларини муҳокама қилмоқ учун 18 январь куни республика пойтахтида ўзларининг учинчи съездига тўпландилар.

Съездни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг учинчи съезди, деди ўртоқ Рашидов, шонли даврда тўпланди. Совет кишилари ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини икки ойдан сал кўпроқ вақт муқаддам тантанали байрам қилдилар.

Жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихий юбилейи байрам қилинганлиги совет халқларининг жонажон Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганлигини ва уларнинг монолит бирлигини яна бир карра намойиш қилди, совет кишиларининг социалистик ватанга, коммунизм ишига чексиз содиқ эканликларини кўрсатди.

Ўзбек халқи совет ҳокимияти йиллари мобайнида катта муваффақиятларга эришди. Ўзбек халқи аҳил қардошлик оиласида, улуғ рус халқининг ва бошқа совет халқларининг бегараз ёрдами билан қашшоқлик ва ҳуқуқсизликдан, жаҳолат ва маданиятсизликдан, халқ хўжалиги ва маданиятнинг, фан ва техниканинг ҳамма соҳаларида тараққиёт чўққилари сари улкан одим ташлади.

Маданий революцияни амалга оширишда совет мактаби, ўқитувчиларимизнинг роли жуда катта. Улар сарфлаган куч-ғайратлар туфайли олий, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли меҳнаткашлар сони ҳозир республикада икки миллион кишидан ошиб кетди. Республикамизда 3,5 миллиондан ортиқ киши, ёки бутун аҳолининг учдан бир қисми таълимнинг ҳар хил турларига жалб қилинган.

Совет кишилари ўқитувчиларга ҳамиша энг яхши, энг самимий туйғулар билан қараб келганлар ва ҳозир ҳам шундай туйғулар билан қарайдилар. Ўқитувчиларга ҳамма эъзозлайди ва сидқидилдан севади. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳар бир ишчи ва пахтакор, врач ва олим, шахтёр ва металлург, жангчи ва денгизчи ҳаётга эндигина қадам қўйган чоғида ўқитувчининг меҳрибон қўлини сезади. Биринчи ўқитувчининг номи кишиларимизнинг хотирида энг яқин ва азиз киши бўлиб сақланиб қолади.

Ўзбекистонда совет ўқитувчиларининг кўп сонли армияси ўсиб вояга етди. Ҳозир республикамизда 160 мингдан ортиқ ўқитувчи бор. Улар орасида ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг моҳир усталари бўлган юқори малакали педагоглар оз эмас.

Ўқитувчиларимиз ўзларининг олийжаноб бурчини муваффақиятли бажармоқдалар. Лекин бутун турмушимиз сингари ўқитиш ишлари ҳам бир жойда турмайди. Таълим-тарбия ишлари тинимсиз олға ўсиб боради ривож топади ва такомиллашади. Бу эса мактабларда дарс бериш даражасини ҳар томонлама оширишни, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифати ва мазмунини яхшилашни, ўқитувчиларнинг юксак педагогик маҳоратини талаб қилади.

Сиз, ўқитувчиларга болаларни ўқитиш ва тарбиялашдек катта ва жуда муҳим иш топшириб қўйилган. Аслини олганда ёш авлоднинг тақдири сизларнинг ихтиёрингизга берилган. Ана шу ёш авлод қандай бўлиб етишиши сизларнинг фахрли меҳнатингизга боғлиқ. Ҳозирги болалар ақлли, ўқимишли, дадил, довюрак кишилар бўлиб, Ватаннинг оташин ватанпарварлари бўлиб, фидокорона меҳнат қилишга лаёқатли, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат манфаатлари йўлида жасоратлар кўрсатишга қодир кишилар бўлиб етишмоғи учун сизлар асос солишингиз лозим.

Республика ўқитувчиларининг навбатдаги съезди ўқитувчиларимизнинг роли ва аҳамиятини ошириш ишига, республикада халқ маорифини янада ривожлантириш, мактаблардаги таълим-тарбия ишининг сифатини яхшилаш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш манфаатларига хизмат қилиши керак.

Делегатларнинг гулдурос қарсаклари остида Ш. Р. Рашидов съезд меҳмонларини қизғин кутлайди, съезд ишида қатнашаётганликлари учун уларга миннатдорчилик билдиради ва самимий истаклар изҳор қилади.

Сўнгра ўртоқ Рашидов Ўзбекистон ўқитувчиларининг учинчи съездига сайланган 1246 делегатнинг ҳаммаси ҳозир бўлганлигини маълум қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан съездни очиқ, деб эълон қилади.

Съезднинг раҳбар органлари сайланади. Мактабларнинг энг яхши педагоглари, Ўзбекистон халқ маорифи ходимлари, фан ва маданият арбоблари президиумга чиқиб ўтиришади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, С. К. Знёдуллаев улар билан бирга президиумдан жой оладилар.

Президиум аъзолари орасида СССР Маориф министри А. М. Прокофьев, КПСС Марказий Комитети мактаблар секторининг мудири И. Е. Ворожейкин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Т. А. Куценко, СССР маорифи олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси Т. П. Янушковская, «Учительская газета»нинг бош редактори Н. М. Парфенова, СССР педагогика фанлари институтининг директори С. Г. Шаповаленко, қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — РСФСР Маориф министрининг ўринбосари А. И. Шустов, Украина ССР маориф министрининг ўринбосари А. В. Корнейчук, Белоруссия ўқитувчилар малакасини ошириш республика институтининг директори С. П. Лесничий, Қозоғистон ССР маориф министри К. А. Айманов, Грузия ССР маориф министрлиги мактаблар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. А. Николаишвили, Озарбайжон ССР маориф министрининг ўринбосари М. Б. Зейналов, Литва ССР маориф министрининг ўринбосари В. К. Кишкис, Молдавия ССР маориф министри Е. С. Постовой, Латвия маориф министрининг ўринбосари Л. Я. Грудулис, Қирғизистон ССР халқ маорифи министрининг ўринбосари Ш. А. Абдуқўлов, Тожикистон ССР халқ маорифи министрининг ўринбосари К. П. Бобоқалонов, Арманистон ССР маориф министрининг ўринбосари М. А. Шахулян, Туркманистон ССР халқ маорифи министрининг ўринбосари Г. И. Канделинский, Эстония ССР маориф министри Ф. М. Эйсен, қаҳрамон Ленинград шаҳри ўқитувчилари делегациясининг раҳбари, шаҳар халқ маорифи бўлими мудири ўринбосари Н. Е. Романовалар бор.

Съезд аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг съездга йўллаган табрикномасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон ўрта умумий таълим мактаблари ишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилиш учун республика маориф министри А. М. Қўчқоровга сўз берилади.

Докладчи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига доим ғамхўрлик қилаётганликлари тўғрисида гапирди. Докладчи КПСС XXIII съезднинг халқ маорифини янада такомиллаштиришга оид қарорларини ва партия ҳамда ҳукуматнинг съездан кейинги кўрсатмаларини амалга ошириш учун республикада кенг кўламда олиб борилаётган ишларга батафсил тўхталиб ўтади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 7315 мактаб бўлиб, буларда 2 миллион 800 минг ўқувчи бор. Ўқув юртларнинг кенг шохобчаси умумий саккиз йиллик таълимнинг амалга оширилишигина эмас, балки ўрта маълумот олишни истаган ҳамма кишиларнинг тўлиқ ўрта билимли бўлишини таъминлаш имконини ҳам беради.

Кейинги йилларда умумий таълим юзасидан берилган топшириқлар ҳамма жойда бажарилмоқда. Хоразм, Фарғона, Андижон ва Бухоро областларидаги мактабларнинг педагогик коллективлари ва халқ маорифи органлари бу соҳада партия ва совет ташкилотларининг ёрдами билан кўп иш қилмоқдалар. Лекин шунга қарамай, болаларнинг бир қисми ҳали ҳам мактабга жалб этилмэган. Вазифа —мактаб ёшидаги барча болаларни ўқишга жалб этишдан иборат. Мактабларда маҳаллий миллатларга мансуб қизларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Болаларни ўқитишга тўлиқ жалб этиш тўғрисида гамхўрлик қилиш—уларни, айниқса мактаб ёшигача бўлган болаларни ҳисобга олишни йўлга қўйиш, болаларни мактабларга машиналарда олиб келишни яхши уюштириш, мактаблар ҳузуридаги интернатлар шохобчасини, хусусан чўпонларнинг болалари учун ташкил этиладиган интернатлар шохобчасини кенгайтириш, куни узайтирилган группалар сонини кўпайтириш демакдир, халқ маориф органлари ва ота-оналарнинг уларга актив ёрдам кўрсатиши демакдир. Бунинг маъноси яна шуки, мактабларда болаларни овқатлантиришни йўлга қўйиш, умумий таълим фондидан тўғри фойдаланиш, ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини контроль қилиб туриш керак.

Республикамизда таълим-тарбия иши яхши уюштирилган неча юзлаб мактаблар бор. Минг-минглаб ўқитувчилар педагогик меҳнатнинг чинакам моҳир усталаридир. Улар машғулотларни ғоявий жиҳатдан юксак савияда ўтказмоқдалар, таълим ва тарбия ишини ягона педагогик процессга қўшиб олиб бормоқдалар. Республика маориф министрлиги ва унинг илмий-тадқиқот институти, республика ўқувметодика кабинети ўқитувчиларнинг педагогика соҳасидаги илғор тажрибасини яхшилаш умумлаштириш ва ёйиш соҳасида муайян иш қилдилар.

Билимларни ўргатишнинг янги, мукаммалроқ усулларини қидириб топиш — ҳозирги педагогиканинг туб проблемаларидан биридир. Ана шу усуллар ўрганиладиган ҳодиса тўғрисида ўқувчиларга тўла маълумот бериб, ҳосил қилинадиган билимларнинг сифатини ошириш ва таълим процессини жадаллаштириш имконини берсин. Техника воситалари — овозни ёзиб оладиган аппаратлар, кино, радио, телевидение программада кўрсатилган материални ўзлаштиришга катта ёрдам бериши лозим.

Болаларни ўқитиш уларни тарбиялаш билан, ўқувчиларнинг дам олишини уюштириш билан чамбарчас боғланган. Болаларни юксак ғоявийлик, пролетар интернационализми, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялаётган ва ўқувчиларда коммунистик дунёқарашни шакллантираётган энг яхши педагогик коллективларнинг тажрибасини кенг ёйиш лозим. Болаларни ҳарбий—ватанпарварлик руҳида, эстетик, илмий-атеистик ва жисмоний тарбиялаш ишини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилмоқ керак. Бу ишда пионерлар саройлари ва уйлари, болалар театрлари, музика ва спорт мактаблари ўқитувчиларнинг яхши ёрдамчилари бўлиши лозим.

Ўзбекистонда 357 кечки мактаб, қатнаб ва сиртдан ўқиладиган 17 мактаб бор. 130 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бу мактабларда ўқимоқда. Ана шу мактабларнинг бир қисми бевосита, завод ҳузурида, колхоз, совхозларда ишлаб турибди, уларнинг ўз биноларн, мустаҳкам моддий базалари бор. Шу билан бирга, халқ маорифи бўлимлари, баъзи корхона ва хўжаликлар раҳбарларининг эътиборсиз, қараётганлиги орқасида бу мактаблар ўқувчилар билан тўлиқ таъминланмаган.

Ўзбекистон ўзининг ўқитувчи кадрлари билан фахрланишга ҳақлидир. Бу ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи олий маълумотли.

Ўқитувчилардан ўн бир мингга яқин киши фидокорона меҳнати учун Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди. Булардан 737 киши давлатимизнинг олий мукофоти — Ленин орденини олишга сазовор бўлди. 1200 дан ортиқ педагог «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонини олди, икки юзга яқин киши Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, тўққиз мингдан ортиқ киши халқ маорифи аълочисидир. Бугун биз ўқитувчилар ва халқ маорифи ходимларининг яна бир катта отряди республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган юксак унвонни олишга сазовор бўлганлигини эшитиб хурсанд бўлдик.

Аммо, шундай бўлса ҳам, бизда рус тили, математика, физика, физкультура, чизмачилик, расм ишула ва чет тиллар ўқитувчилари етишмаётир. Қишлоқ мактабларида қариб юз минг ўқитувчи ишлаётганига қарамай, биз ана шу мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқдамиз.

Докладда мактабгача тарбияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, янги дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмаларни нашр этиш, мактаб бинолари қурилишини тобора кенгайтириш ва қурилиш сурўатларини жадаллаштириш, халқ маорифи органларининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига катта ўрин берилди.

Халқ маорифи ходимлари олдида турган вазифалар, дейди сўзининг охирида докладчи, жуда катта-тадир. Ўзбекистоннинг кўп минг кишилик ўқитувчилар армияси Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукуматига ваъда бериб, биз бу вазифаларни шараф билан бажариш, коммунизм даврида яшайдиган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни янада юксак даражага кўтариш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрамиз, дейдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ марказий комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева минбарга чиқади. Р. Ҳ. Абдуллаеванинг докладди ўқувчиларни тарбиялаш ишини яхшилаш соҳасида мактаб комсомол ва пионер ташкилотларининг вазифаларига бағишланди.

Болалар ўртасида олиб бориладиган ишнинг янги йўл ва формаларини тинмай қидириб топиш, мактаб комсомолининг ўзига хос хусусиятидир. Ҳозирги вақтда В. И. Ленин хоналари, бурчак ва музейлари, қизил ҳатопарлар отрядлари, чегарачиларнинг, Совет армияси, милициянинг ёш дўстлари, интернационал дўстлик клублари бўлмаган бирорта мактабни тополмайсиз. Буларнинг ҳаммаси ёш авлоднинг турмушини сермазмун қилади, тўлақонли ва мароқли қилади. Ўқувчиларда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик туйғуларини кучайтиради, ўсмирлар характерининг тўғри йўлга солиб юборилишига ёрдам беради.

Республикамиздаги мактабларда 27 мингдан ортиқ комсомол ўқитувчи ишлаб турибди. Ёш ўқитувчиларнинг кўплари ўқувчилар, комсомол ташкилотларининг актив ёрдамчилари бўлиб, тематик ва снёсий тўгаракларда машғулот олиб бормоқдалар, болалар учун очилган турли клуб ва бирлашмаларнинг ишига йўл кўрсатиб, лекторлар группаларн ҳамда радиоузелларга раҳбарлик қилмоқдалар.

Яқинда ўрта мактабларда директорнинг тарбиявий иш бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди. Кўп коллективларга болаларни яхши биладиган ва севадиган, сергайрат кишилар келишди. Улар мактабдаги тарбия ишларини яхши йўлга қўя олдилар. Барча мактабларда комсомол ва пионер ишини яхши биладиган, пухта тайёргарлиги бўлган сергайрат кишиларнинг тарбия иши билан шуғулланишлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқ зарур.

Бу йил, деб таъкидлайди докладчи, комсомол учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган йилдир. Биз бу йил ВЛКСМнинг 50 йиллигини нишонлаймиз. Биз шонли байрамни муносиб кутиб олишимиз, бутун эътиборимизни ҳал этилмаган масалаларга қаратишимиз керак. Комсомол ташкилотлари йигит ва қизларимизнинг коммунистик жамият қурилишида янада актив қатнашишлари учун ҳамма чораларни кўришлари, ёш авлодни чинакам ленинчи курашчилар қилиб тарбиялаб ўстиришлари керак.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Н. Қори Ниёзов, Қорақалпоғистон АССР маориф министри Д. С. Сейитниёзов, Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Т. Д. Дадашев, Тошкентдаги Меҳнат Қизил байроқ орденли 24-мактабнинг ўқитувчиси М. Назарова, Сурхондарё область халқ маорифи бўлимининг мудири С. С. Саҳибов, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Чирчиқдаги 18-мактабнинг бош пионервожатийси М. Н. Бутрак ўртоқлар қатнашдилар.

Съездда мандат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари С. К. Розиқов мандат комиссиясининг докладини қилди. Съезд комиссиянинг докладини тасдиқлади.

РСФСР маориф министрининг ўринбосари А. И. Шўстов, Украина ССР маориф министрининг ўринбосари А. В. Корнейчук, Белоруссия ўқитувчилар малакасини ошириш республика институтининг директори С. П. Лесничий, Қозоғистон ССР маориф министри Қ. А. Айманов съезд делегатларига, Ўзбекистоннинг барча ўқитувчиларига қардошлик саломини топширдилар.

Тошкент пионерлари бутун залнинг давомли қарсаклари остида ўз мураббийларини самимий табрикладилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

РЕЖАСИЗ ИШ — ҚОЛИПСИЗ ҒИШТ

Областимиз саноат корхоналари коллективлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишди. Ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга вазифа бердилар. Тежамкорликка алоҳида эътибор қилишмоқда. Жумладан, халқ бойлиги ҳисобланган электр қувватини кўплаб тежаш режаларини тузмоқдалар.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, қатор саноат корхоналарининг коллективлари электр қувватини тежаб сарфлашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Бунинг учун қатор тадбирларни амалга ошириб, катта самара олишмоқда. «Узбекхиммаш» заводида, Тошкент тўқимачилик, «Узбекуголь», Бекобод цемент комбинатларида, Тошкентдаги электрон техникаси заводида ва бошқа корхоналарда бу соҳада қилинаётган ишлар тақдирга сазовордир.

Лекин айрим завод-фабрикаларнинг раҳбарлари электр қувватини иқтисод қилиш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқишга тўғри муносабатда бўлишмаяпти. Чирчиқ электрохимия комбинати бунга мисол бўла олади. Ўтган йили комбинатда 7,7 миллион киловатт-соат электр қуввати тежаш мўлжалланган эди. Амалда эса 16,7 миллион киловатт-соат нур ортиқча иқтисод қилинди. Имконият даражасида мажбурият олмаслик, уни камроқ белгилашга уриниш комбинат раҳбарлари учун одат бўлиб қолган. Улар бир неча йилдан буён шундай иш тутмоқдалар. Ваҳоланки, бу корхонада электр қувватини тежаш учун қурашнинг сусайишига сабаб бўляпти. Бу метод эса алдақачонлар қораланган.

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси, электромонтаж буюмлари заводи, Тошкентдаги макарон ва тамаки фабрикалари, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа қатор корхоналар энергия тармоқлари инспекцияси аниқлаб берган резервлардан фойдаланиш учун технологик тадбирлар планини мажбуриятга киритмадилар.

Электр энергияси сарфини тўғри нормалаш яхши натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо, айрим министрликлар ва бошқармаларнинг корхоналарида бундай тартиб қўлланмаяпти. Масалан, бинокорлик материаллари саноати министрлиги ўтган йили электр қувватини сарфлаш нормасини фақатгина февраль ойида, маҳаллий саноат министрлиги мартда, қурилиш министрлиги эса апрель ойида тасдиқлади. Бунинг устига белгиланган нормаларни қайта кўриб чиқиш практикаси ҳам тез-тез содир бўлмоқда.

Электр қуввати сарфини нормалаш масаласига алоҳида эътибор бериш пайти келди. Чунки моддий манфаатдорлик системаси амалда қўлланилаётган шароитларда нормани камайтириб белгилаш коллективни мукофотлардан маҳрум қилади. Ортиқ қилиб белгилаш эса электр қувватини тежашни яхшиламайди, ташаббусни бўғади. Давлат маблағларининг талон-торож қилинишига олиб келади.

Электр асбоб-ускуналари қувватидан фойдаланиш коэффициентини ошириш саноатда ҳаётбахш нурни кўплаб тежаб қолишга олиб келади. Шунинг учун ҳам областдаги кўпчилик корхоналарда технологик асбоб-ускуналарнинг тўла ишлашини таъминлаш фойдасиз ҳаракат қилишини камайтириш, ортиқча трансформаторлар, двигателларни эксплуатациядан чиқариб ташлаш, эски агрегатларни янгилари билан алмаштиришга қаратилган яхши тадбирлар амалга ошириляпти. Лекин барча корхоналарда шундай қилинмоқда, деб бўлмайди. Асбоб-ускуналар қувватидан самарали фойдаланишга сабаб бўлмоқда.

Электр қуввати солиштирма сарфи нормасини анча камайтиришга эришган қатор корхоналарда ҳам ишга солинмаётган кўпгина резервлар бор. Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводи бунга мисол бўла олади. Бу ерда компрессорлар қувватидан тўла фойдаланиш, сиқиқ ҳавонинг бекорга сарфланишини камайтириш, барча бўғлатиш камералари ва автоколларда автоматикадан кенг фойдаланиш билан ҳар йили қўшимча 1 миллион киловатт-соатдан ортиқ нур тежаб қолиш мумкин.

Нима учун саноат ходимлари ҳар доим иқтисод қилиш резервларини ишга солавермайдилар, деган ҳақли савол туғилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, қатор корхоналарда моддий манфаатдорлик принципларига тўла риоя қилинмаяпти. Грамплластинкалар, рўзғор холодильникларини, Нормаль», Янгийўл консерва заводларида, Янгийўлдаги галла маҳсулотлари базаси ва пахта тозалаш заводида электр қуввати тежамкорлигини мукофотлаш низоми ва мукофот системаси ишлаб чиқилмаганлиги учун ҳам шундай аҳвол содир бўлмоқда.

Нурхоналаримизда электр қуввати халқ хўжалиги эҳтиёжини ортиқча таъминлаш даражасида ҳосил қилинмоқда. Шунинг учун ҳам истеъмолчиларга электр қувватини узатиш чекланмаган эди. Бу аҳвол ҳам ўз навбатида айрим корхоналарда белгиланган лимитларга амал қилишга бефарқ муносабатни юзага келтиряпти. Қиш шароитида энергия системасида сарфиёт кўпаяди. Шунинг учун ҳам истеъмолчиларни электр қуввати билан тўхтовсиз таъминлаб туриш лимит интизомига қатъий риоя қилишга боғлиқ. Шуни эсдан чиқармаслиқ керакки, ой бошида лимитда белгиланган электр қуввати тўла олинмаса ой охирига келиб у қўшиб берилмайди. Бу электр қувватидан тўғри фойдаланиш учун барча корхоналарнинг ритмик ишлашини таъминлаш, барча технологик жараёнларга қатъий амал қилишни талаб этади.

А. ХУЖАЕВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЕТАКЧИ

Колхоз ишлаб чиқаришининг асосий тармоқларига коммунистлар етакчилик қилмоқдалар. Шу туфайли ҳам хўжаликда пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бораётир. План ва мажбуриятларнинг донмо бажарилиши натижасида меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги ортиб, қишлоқлар обод бўлаётир. Хўжаликнинг етакчи тармоғи — пахтачилик айниқса юксалмоқда. Коммунистлардан У. Аҳмедов, У. Сандов ўртоқлар бошлиқ участкаларда ҳар гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олишди. А. Эгамбердиев, М. Носиров, М. Жумабоев каби коммунист механизаторлар айниқса юқори кўрсаткичга эришдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳеч шубҳасиз колхоз партия ташкилоти олиб борган оммавий-сиёсий, ташкилий, тарбиявий ишларнинг натижасидир.

Шу кунларда Бўкадаги «Ленинобод» колхози партия ташкилоти коммунистларнинг асосий диққат-эътиборини янги йилда янги ютуқларни қўлга киритишга қаратмоқда.

ХАЕТГА БОҒЛАБ...

Янгийўлдаги «Партия XXI съезди» колхози партия ташкилоти сиёсий маориф шохобчаларида машғулотларнинг қизиқарли ўтишига катта эътибор бермоқда. Тингловчилар керакли адабиётлар, кўргазмали қуроллар, турли диаграмма ва плакатлар билан таъминланган бўлиб, улар учун алоҳида хона ажратилган. Малакали пропагандистлар улар билан мунтазам равишда машғулот ўтказмоқда. Ҳар бир машғулот тингловчиларда катта таассурот қолдираётир. Айниқса, пропагандистлардан ўртоқ М. Тоштонов олиб бораётган машғулотлар тингловчиларга маъқул бўлмоқда. А. Деҳқонов, Х. Исматуллаева, В. Мирзаҳалилов каби тингловчилар темаларни пухта ўзлаштирмоқдалар.

МАКТАБ КОММУНИСТЛАРИ

Оққўрғондаги Мичурин номли 19-мактаб коммунистлари мактабда ўқув-тарбия ишларининг намунали йўлга қўйилишига ҳисса қўшмоқдалар. Партия ташкилоти илғор коммунист-ўқитувчиларнинг тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор бераётир. Янгилишда коммунист ўқитувчилардан Б. Жониқулов, А. Абдукаримов ҳамда партия ташкилотининг секретари У. Маъмиров ўртоқлар сўзга чиқиб ўқитувчининг ютуқ ва камчиликларини батафсил гапирдилар.

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

РЕПОРТАЖ

ИМОМ НАЗИРОВ эсини танигандан буён боғбон. Мевачилик ва узумчилик қон-қонига сингиб кетган. Шу пайтгача неча минг марталаб боғ ораланган у. Тажрибаси бир олам. Ўз касбига меҳр-муҳаббатли бўлгани, жон-дилидан иш тутгани учун ҳам Юқори Чирчиқ районидаги 22-совхоз дирекцияси уни 1-бўлимга бошқарувчи қилиб тайинлади. Бир бригада боғида ишлаш бошқа, бутун бир бўлим боғбонларига раҳбарлик қилиш бошқа экан. Энди пешқадам бригадалар тажрибасини бошқаларга ёйиш, ҳосилдорлиги паст бригадаларни илғорларга етказиб олиш, шу йўл билан бўлимни кўтариш керак эди. Қолаверса, ҳаёт олга ошиқарди, у билан баравар қадам ташлаши зарур. И. Назиров тажрибакор киши бўлса ҳам худди шу соҳада негадир билими етишмаётгандек туюларди ўзига. Нималарнидир умумлаштиришга уқуви етмас. тўғрироғи тажрибани оммалаштиришга қийналарди.

Шу пайтда Юқори Чирчиқ район партия комитети қошида икки йиллик қишлоқ хўжалиги билимлари халқ университети ташкил топганини эшитиб, ўзида йўқ севиниб кетди. Жамоат университети унга янги олам очди. Кўзга кўринган олим ва мутахассисларнинг бой мулоҳазалари, назарий, практик ўқиш унга боғдорчиликнинг кўпдан-кўп янги сир-асрорларини намоён қилди. Айниқса Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институтининг олими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳожимурод Ғуломовнинг мазмундор, ишлаб чиқариш билан боғланган лекциялари унга кўп нарса берди. Билимни бевосита амалда қўллаш натижасида дастлабки йилдаёқ Назиров ўз бўлимида ўзгариш ясади. Бўлим коллективи 216 гектар олма, олча ва бошқа хил меваздорлар 450 тоннадан ортиқ ҳосил етиштирди. Бултур эса бўлим янада юксалишга эришиб, планда кўзда тутилганидан 75 тонна кўп мева берди.

Кунн кеча ўртоқ И. Назиров халқ университетининг мевачилик ва узумчилик факультетини муваффақиятли битирганлиги ҳақидаги гувоҳномани олиш учун район маданият уйига келди. Зал университетни битирувчилар билан лиқ тўлган. 190 дан ортиқ талаба қадрдон ўқитувчилари — профессорлар, фан докторлари ва кандидатлари билан хайрлашув тантанасига тўпланишган. Янгилишни Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ И. Султонова очди. Университет ректори, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг доценти Василий Тарасович Лев битирувчиларни қизғин қутлайди, уларга келгусида халқ бахт-саодати йўлида, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш йўлида янги зафарлар тилайди.

— Бундан икки йил аввал, — дейди у ўз сўзида, — пахтачилик, чорвачилик ва луб экинлари факультетларини 250 дан ортиқ тингловчи битириб чиққан эди. Эндиликда улар қишлоқ хўжалигининг ана шу соҳаларида қувонарли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Энди эса, сизлар қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мевачилик ва узумчилик ҳамда пахтачилик экономикаси факультетларини муваффақиятли тугаллаб, ҳаётга йўлланма олаётирсизлар. Ишонамизки, бу ерда олган озми, кўпми билимларингиз ишларингизда ҳали кўп асқотади.

У фақат И. Назировнинг эмас, барча йиғилганларнинг дилидаги гапларни айтган эди. Университет талабаси, машинаҳисоблаш станциясининг директори Малик Ўтабоев - тингловчилар номидан қадрдон ўқитувчилари — экономика фанлари кандидати А. Муртазоев, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти доценти Г. Миркаримов, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институти илмий ходимлари К. Тўрахонов, Ф. Қаюмов, САИМЭ илмий ходимлари Е. Гофман, Ф. Соколов, Р. Бойметов ва бошқа ўнлаб олимларга ташаккур билдирди. Шу билан бирга у келгусида қишлоқ хўжалиги ходимларини қизиқтираётган бошқа муҳим тармоқлар бўйича ҳам факультетлар очиш мақсадга мувофиқлигини айтди.

— Халқ университетлари учун махсус ўқув дарсликлари нашр қилиш, илмий-оммабоп ва ҳужжатли кинолекторийлар ташкил этилса нур устига нур бўларди, — деди у.

Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи В. Терешченко университет берган назарий билим самараларини конкрет мисолларда айтиб ўтди.

— Менга билдирилган ишончдан ғоят хурсандман, — деди, «Правда» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пахтачилик экономикаси факультетининг проректори Иван Антонович Цой.— Жуда кўп таниқли олимлар колхозимизга келиб, мазмундор лекция ва суҳбатлари билан ишимизга катта ёрдам беришди. Арзон пахта етиштириш йўлларини очиқ-ойдин кўрсатишди.

Шундан сўнг битирувчиларни область партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири У. Абдураззоқов, Янгийўл, Бекобод, Бўка район халқ университетларининг ректорлари Аҳмаджонов, Имомалиев, Кульченко ва республика илмий-техника жамияти раиси Калдаев ўртоқлар табриклардилар.

Тантанали йиғилиш охирида халқ университетини битирувчиларга гувоҳномалар топширилди.

Ҳ. ИКРОМОВ.



Қўйлиқ ремонт-механика заводи коллективи қишлоқ хўжалиги агрегатлари моторларини сифатли ремонт қилиш ва янги гидропрессларни ишлаб чиқаришда дуруст натижаларни қўлга киритяпти. Суратда: пешқадам ишчилардан В. Асташин (чапда) ва Ю. Кантакузин ўртоқлар янги гидропресс олдида.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАМКОРЛИК

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети олимлари билан немис илм аҳллари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бурноғи йили Германия Демократик Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси, немис адабиёти институтининг профессори Вальтер Дитце университет студентларининг меҳмони бўлган эди. У аудиторияларда Гётенинг «Фауст» асари юзасидан тематик лекциялар ўқиди. Унинг буерга келиши Лейпциг университети билан Тошкент Давлат университети ўртасида яқин ижодий алоқа боғланишга асос бўлди.

Ўтган йилнинг охирларида эса бу атоқли олимнинг ҳамкасби профессор Р. Гроссе Тошкент Давлат университетига ташриф буюрди. Атоқли немис олимини студентлар самимий қарши олишди. Профессор университетнинг Роман-Герман филологияси факультетида деярли икки ҳафта бўлди. Олим билан бўлган ҳар бир учрашув ўзига хос илмий характер касб этди. Назарий грамматика, ҳозирги замон немис тили тараққиётининг тарихи масалалари юзасидан ўзаро фикрлар алмашинилди. Профессор немис тилшунослиги билан боғлиқ тематик лекциялар ҳам ўқиди.

Немис профессори факультетнинг ўзбек группаси студентлари даврасига таклиф этилди. Студентлар унга ўзбек халқининг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Профессор чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида ҳам бўлди.

И. СТРЕЛЬНИКОВА.

ИШЧАН КУТУБХОНАЧИ

Шаҳар марказий болалар кутубхонасининг мудири ўртоқ Р. Ивушкина хизматидан ўқувчи ёшларнинг миннатдор бўлаётганлиги бежиз эмас, албатта.

У мудир бўлган кутубхонада ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Кутубхоначилар хушмуомалали, ширинсухан кишилар. Бу ерга келган ҳар бир китобхоннинг қалбига йўл топиш, адабиётлар танлашда кўмаклашиб, хурсанд қилиб жўнатиш жонкуяр кутубхоначиларга одат. Шунинг учун бўлса керак, китобхонлар сони кун сайин ортиб бораётир. 29 минг китоб фондига эга бўлган бу кутубхонага 3 минг 300 ўғил-қиз аъзо.

Кутубхонага кирсангиз, саранжом-саришталик, тартиб кўзга ташланади. Жовонлардаги китоблар алоҳида бўлимларга ажратилган. Деворларда рус ва ўзбек ёзувчиларининг қимматли сўзлари ёзилган плакатлар осилиқ. «Ҳамиша барҳаёт Ленин», «Эртаклар оламига саёҳат», «Санъатни севинг» сингари қатор китоб витриналари киши эътиборини ўзига тортади.

Кутубхонада махсус план асосида иш олиб борилади. Деярли ҳар ҳафта китобхонлар конференциялари, савол-жавоб кечалари, конкурслар ўтказиб турилибди. Бу тадбирларда актив қатнашган ёш китобхонларга совғалар берилади.

Шунисн қувончлики, юқори синф ўқувчилари орасида жамоатчи кутубхоначилар ҳам бор. Улар билим хазинасига келиб фотостендлар чиқариш, китоб витриналари ташкил қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериб туришади.

Шундай, кутубхона ўқувчиларнинг севимли жойига айланган. Ишчан кутубхоначилар Е. Маркелова, В. Балигатовалар ўқувчилар хизматида. Уларга эса ҳар ишда илғор энёкор Роза Ивушкина бош-қош.

Юбилей йилида Розанинг ишлари кўпайиб кетди. У Бутииттифоқ кутубхоначилар кўргигига ҳам пухта ҳозирлик кўрди. Натижа қувончли бўлди. Кутубхона бу кўрикда иккинчи ўринни эгаллаб Узбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика касаба союзлари комитетининг учинчи даражали дипломи, ҳамда 500 сўм пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Роза Ивушкина ҳалол, фидокорона меҳнати учун СССР Маданият министрлигининг «Яхши ишлари учун» значоги билан ҳам тақдирланди.

Ўз касбига чин ихлос қўйган Роза Ивушкинани ҳар тонг кўлда учратаман. Завод ва фабрикаларнинг ишчи-хизматчилари, колхозсовхозларнинг меҳнаткашлари, муассасаларнинг ходимлари жўшқин меҳнат қучоғига ошиқаётган бир пайтда у ҳам ишга йўл олади. Мана бугун ҳам одатдагидек Роза қадрдон маскани томон боряпти. Унга касбингиз шарафли, фахрлансангиз арзийди, дегим келди.

Ҳа, ҳар касбнинг ўз гашти бор. Кутубхоначилик оддий, лекин шарафли касблардан бири. Болаларнинг меҳрибони Роза Ивушкина ҳам ўз касбини жондан эъзозламоқда.

З. АБДУЛЛАЕВА,
Янгийўл.

ЭЛГА МАНЗУР

Тошкент «Кооппосилторг» базаси аҳил коллективининг ишидан ҳамма мамнун бўляпти. База ишчилари бир-бирлари билан доимо самимий муносабатда бўлишади, ҳурмат қилишади. Цехлар озода. База директори Нурмуҳамедов билан цех айланиб юрар эканмиз, ҳамроҳим менга бир йигитни таништирди: у посилка тайёрлаш цехининг бошлиғи Анвар Содиқов экан.

— Лекин биз уни Унаржон деб атаймиз. Негаки, Анваржон ишни ҳам, гапни ҳам дўндиради, — ҳазил аралаш деди директор.

Директорнинг гапларида жон бор экан. А. Содиқов бошчилик қилаётган цех ҳар соҳада бошқаларга ўрнак бўляпти. Бу ерда смена топшириғини ҳамма муттасил ошириб бажаргани учун цех планни ҳамиша ортиғи билан адо этмоқда. Ҳар бир ишчи кунига 50 дан ошириб посилка тайёрлайди. Цех ҳар ойда район ва қишлоқларга 8 мингдан ошириб посилка жўнатмоқда. Бу ишда айниқса Ёқутой Исҳоқова ўрнак кўрсатяпти. Ўз касбининг устаси бўлган бу аёл ўн йилдирки, коллектив ҳурматини қозониб келмоқда. Ё. Исҳоқова ойлик планни доимо 160-170 процентга етказиб бажаради. Ҳозирда базада мустақил меҳнат қилаётган бир неча шогирдлар Ёқутой опадан касб ўрганишган.

База коллективи янги йилда ҳам қишлоқ аҳлини кўплаб маданий моллар билан таъминлаш ниятида.

М. МИРСОАТОВА.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ёш гвардия» нашриёти ўтган йилдан буён «Ватан посбонлари» серияси китобчалар чиқармоқда. Бу китобчалар ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олиняпти.

Нашриёт Иван Павлович Кургузовнинг «Шуҳрат ордени кавалерлари» китобчасини нашр этди.

Автор бу китобчасида Улуғ Ватан урушида қатнашиб биринчи, иккинчи ва учинчи даражали шуҳрат орденлари билан мукофотланган разведкачилар, саперлар, минёрлар, артиллериячилар ҳамда пулеметчилар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади.

Китоб қаҳрамонлари ҳозир республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида меҳнат фронтида мардона курашмоқдалар.

Бундан ташқари автор китобчасида Совет ҳукуматн томонидан 1943 йил 9 ноябрида таъсис қилинган Шуҳрат орденинг ўзига хос хусусияти тўғрисида фикр юритилади. Уни офицер ҳам, генерал ҳам, адмирал ҳам, маршал ҳам ололмасди. Бу фақат «солдатлар ордени» эди, деб ёзади у. Шунингдек, нашриёт И. Сидельниковнинг «Душманга нафратимиз чексиздир» китобчасини ҳам ўзбек тилида нашр этди.

Китобчада социалистик лагерининг тобора мустаҳкамланиб борилиши, империалистик тузумнинг эса кундан кунга заифлашиб бораётганлиги қизиқарли баён қилинган.

Китобчани ўқиб чиқар эканмиз, тинчлик учун ҳар бир эрксевар одам жавобгар эканлигини чуқур ҳис этамиз.

Т. ИСМОИЛОВ.

ЧЕВАРЛАР

Дўппи тикдим, ипаклари
тиллодан,
Ипаклари деманг, бари
тиллодан...

деб бошланадиган қўшиқни тинглагандирсиз. Мастура Худойберганова қўлида жило топаётган дўппиларни кўрсангиз шу қўшиқ бенхтиёр ёдингизга тушади. Нозик дид билан сайқал берилган ранго-ранг дўппилардан кўзингиз қамашади.

Мастура опанинг фабрика остонасига қадам қўйганига 12 йилдан ошди. Тажрибакор мастура опанинг дўппи тикиш маҳорати, ипак танлашдаги дидига таҳсин ўқийсан, киши. У ҳар куни белгиланган икки дўппи ўрнига тўрттасига гул тикаяпти. Унинг ёнида яна бир қанча зарбдор қиз-жувонлар... Чеҳралари кулиб турган бу чеварларнинг ҳаммаси Мастура опанинг шогирдлари!

Холида Отатўраева доимо устозидан қолмасликка тиришади. Кунлик нормасини 140-150 процентдан кам адо этмайди. Шогирдларининг ҳаммаси шундай: бир-биридан қолишмайди.

Мастура опа тинб-тинчимас рационализатор ҳам. Янги йилдан бошлаб унинг таклифи билан «Чоргул» дўпписининг янги нусхаси тикила бошланди. Бу аввалгисига нисбатан ўзининг нафислиги, пишиқлиги билан харидорларни беҳад хушнуд қилмоқда.

Фабрикада унга ўхшаш ўз бахтини меҳнатдан топган зарбдорлар ўнлаб топилади. Латофат Камолова, Шарофат Воҳидова, Мукаррам Содиқоваларни ҳам ҳақли суратда фабрика юлдузлари, дейишади. Ҳар куни цехда 650 донадан кўпроқ турли хил дўппи тикилса, уларнинг ҳар бири эса 20-25 тадан дўппини сифатли қўлдан чиқаришяпти. Шу кунларда март ва апрель ойлари ҳисобига маҳсулот топширишяпти улар! Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг бу чаққон чеварлари беш йиллиқнинг учинчи йили топширғини ҳам барвақт бажаришга енг шимарганлар.

Н. ТЎРАЕВ.

Суратда: (чапдан) Ҳолида Отатўраева ва Мастура Худойберганова «Чоргул» дўпписини кўздан кечиришмоқда.

Автор фотоси.

КОММУНАЛ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри ўртоқ С. З. ЗИЕМОВ билан суҳбат.

☆ ☆

Областнинг шаҳар ва қишлоқларида коммунал-хўжалик хизматидан баҳраманд бўлаётган хўжалик ва хонадонлар ҳозир талайгина. Аҳолининг маданий турмуш шароити юксалиб борган сайин, коммунал хизматга нисбатан бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Республикамиз ҳамда областимизнинг кўп минг кишилик коммуналчилари партия ва ҳукуматимизнинг аҳолига маданий коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлидаги тадбирларини турмушга татбиқ этиш, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш борасида курашиб, айниқса кейинги йилларда кўпгина ютуқларни қўлга киритишди.

Яқиндагина тошкўмир билан ишлаган саноат корхоналарининг қозонлари, ғўзапоя билан қайнаган қишлоқ хонадонларининг қозонлари тагида бугун «зангори олов»—табиий газ ёниб турибди. Ҳозир Тошкент область шаҳар ва қишлоқларида, шаҳар типидаги посёлкаларда аҳолига ўнлаб-юзлаб коммунал хўжалик объектлари намунали хизмат кўрсатаётир. Ҳозир қишлоқларнинг марказий кўчаларида водопровод, канализация қувурлари ётқизиш ишлари жадал олиб борилаётганини, меҳмонхона, ҳаммом пойдеворига ғишт терилаётганини кўрасиз. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш йўлида партия ва ҳукуматимизнинг доимий оталарча кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг самарасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика аҳолисига коммунал хизмати кўрсатиш ишини яхшилаш тадбирлари» ва «Қишлоқ жойларини газлаштириш суръатини кучайтириш ва республика аҳолисини газ билан таъминлаш тадбирлари» ҳақидаги қарорлари партия ва ҳукуматимизнинг инсонга ғамхўрлик руҳи билан суғорилган фаолиятининг яна бир бор тасдиқловчи муҳим ҳужжат бўлиб қолди.

Бу қарорлар коммунал хўжалигининг кўп минг кишилик отрядлари учун беш йиллик программаларини муваффақиятли бажариш йўлларини белгилаб берди.

Беш йиллик давомида область шаҳарларидаги водопроводлар бош иншоотлари қуввати бирмунча оширилади. Биринчи навбатда областдаги барча район марказлари аҳолиси тоза ва зилол водопровод суви билан таъминланади. Шунингдек қишлоқ жойларида водопровод тармоқ хўжаликлари кескин равишда оширилади.

Бундан ташқари область канализация хўжалиги қувватини анча ошириш тадбирлари ҳам кўзда тутилади. Жумладан Чирчиқ ва Оҳангарон канализация тармоқлари қувватини ошириш. Янгийўл ва Бекобод шаҳарларида ҳамда Қибрай, Эшонгузар марказларида янгидан канализация трубалари ётқизилади. Беш йиллик охиригача республикамиз, шу жумладан областнинг барча шаҳар ва районлари газ билан таъминланади. Еки колхоз ва совхозларни газлаштириш даражаси 60 процентга етади. Шунингдек область шаҳар ва район марказларида ҳаммом, кир ювиш хоналари ва меҳмонхоналар сони ҳам анча кўпаяди.

Пойтахт область коммунал хўжалиги корхоналарининг коллективлари айниқса юбилей йилида капитал қурилиш ҳамда бир қатор коммунал хўжалик тармоқлари қувватини ошириш бўйича ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Бу коллективлар ўтган йили 7,517 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштириб, планни 110 процентдан ошириб ado этди.

Область шаҳар ва район марказларида қўшимча 33 километр водопровод қувурлари ётқизилди. Оҳангарон шаҳридаги канализация тармоқлари қуриш ишлари тугалланди. Янгийўл ва Бекобод шаҳарларида янги канализация тармоқлари қурилиши, Чирчиқ, шаҳарида эса канализациянинг тармоғи қурилишининг иккинчи навбати амалга оширилмоқда.

109 километр ҳажмда газ тармоқларини ишга тушириш юзасидан белгиланган план ҳам тўла бажарилди. Шундан 52 километри колхоз ва совхозларда амалга оширилди. Яъни тўртта совхоз ва учта колхоз табиий газ билан тўла таъминланди. 10 минг квартира газлаштирилди. Чирчиқ меҳмонхонасини газ билан иситиш биринчи навбати ишга туширилди.

1968 йилда область коммуналчилари зиммасида янада катта қурилиш ишларини амалга ошириш ва шу йўл билан қишлоқ меҳнаткашларига янада баракали ва сифатли хизмат кўрсатиш вазифаси турибди. Улар бу йил саккиз миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришлари керак.

Бу йил суткасига 43,6 минг кубометр сув етказиб бериш қувватига эга бўлган 33 километрлик водопровод тармоқлари ишга туширилади.

Область бўйича 27,5 километр ёки ўтган йилга нисбатан беш марта қувватлироқ канализация иншоотлари қурилади. Шунингдек, шу йил ичида 221 километр газ тармоқлари, шундан 120 километри қишлоқ жойларида, қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари олдимизда турган бу йилги программада ҳаммом, кир ювиш хўжаликлари ва меҳмонхоналар хизматини янада яхшилаш ишига катта ўрин берилган. Масалан, область районларида 400 ўринли ҳаммом, сменада 1150 килограмм кир ювиб берадиган кирхона, 150 ўринли меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилади.

Республикамиз коммуналчилари билан бир сафда туриб элга хизмат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи деб санаб келаётган область коммунал хўжалигининг кўпминг кишилик ходимлари умумхалқ муносабасига кўшилиб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ҳамда пойтахт меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуши фаровонлигини янада ошириш йўлидаги белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун тинмай курашадилар.

Сергайрат бинокорларимизнинг қўли билан қад кўтараётган осмонўпар бинолар шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Алишер Навоий кўчасининг хусни ҳам кун сайин очилиб бораяпти. Биров хиёбондан ўтиб хизматига ошиқади, биров меҳмондорчиликка. Бошқа бири шаҳримиз латофатига маҳлиё бўлиб сайр қилади. Сиз суратда кўриб турган А. Навоий кўчаси завқланса арзийдиган гўзал кўчалардан бирига айланган.

А. Палехов фотоси.

КОЛХОЗ РАИСИНИНГ ФИЛЬМЛАРИ

Долгое қишлоғидаги кўчаларга осилган эълонлар маҳаллий маданият уйининг кино залида учта янги ҳужжатли кинофильм намойиш қилинишини билдирарди. Бугун намойиш қилинадиган «Верховинск булбули», «Африкага, концертга» ва «Отаси билан учраша олмади» фильмларининг автори Горький номли колхознинг раиси Юрий Ковач эди. Колхоз раиси кино санъатини севиб қолганига анча бўлган. У хўжалик ишларидан бўш қолди дегунча кино олишга тутинади. Колхоз раисининг кино соҳасидаги биринчи ижодий иши Закарпат областига донги кетган машҳур «Боржава» вокаль-хореографик халқ ансамбли ҳаёти ҳақидаги қисқа метражли фильми бўлди. Ю. Ковач бу фильмда ҳамқишлоқлари «Закарпат булбули» деб атаган ансамбль раҳбари, композитор Михаил Машкин ҳаётини ҳартарафлама ҳикоя қилувчи лента ларата олди. Қолган икки фильмни эса Ковач Италия ва Африкага қилган саёҳатлари давомида суратга олган.

(АПН).

ТАҚРИЗ

„СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ“

Улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький совет ёзувчиларининг Бутииттифоқ биринчи съездида қилган докладида «Совет адабиёти фанат руҳ тилидаги адабиёт бўлмай, бу — Бутииттифоқ адабиётидир»,— деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат умумсовет адабиётининг шаклланиши ва тараққий топишида рус совет ёзувчилари билан бирга СССР даги ҳар бир халқ адабиёти ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди ва кўшиб келмоқда. Улуғ Октябрь революцияси галабасидан сўнг майдонга келган қудратли совет адабиёти шаклан миллий, мазмунан социалистик характерни ўзига насб этди. Умумсовет адабиётида СССР даги катта-кичик барча халқларнинг ҳаёти, кураши, орзу-истаклари социалистик мазмун, турли формаларда, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз она тилида тасвир этилмоқда. Кейнги ярим асрлик даврнинг ичида кўпмиллатли совет адабиёти шундай юксакликка кўтарилдики, унинг М. Шолохов, К. Федин, А. Корнейчук, С. Айний, Мухтор Авезов, М. Ҳусейн, М. Турсунзода, И. Чавчавадзе, Берди Кербобоев, Чингиз Айтматов, Ойбек, Якуб Колас, Ғафур Ғулом каби бадиий сўз санъаткорларининг номи бутун дунёга маълум ва машҳур бўлди.

Маълумки, Иттифоқимиз олий ўқув юртларида СССР халқлари адабиёти алоҳида ўқитилади. Лекин шу кунга қадар СССР халқлари адабиёти дарслиги ўзбек тилида яратилган эмас эди. Шу нуқтаи назардан қараганда филология фанлари кандидатлари, адабиётшунос Раҳимжон Муқимов ва Муҳаммаджон Шариповларнинг «СССР халқлари адабиёти» номли дарслик-хрестоматияси муҳим қимматга эгадир. Кириш ва олти бўлимдан иборат мазкур асарнинг назарий қисмида иттифоқдош ва автоном Совет Социалистик республикалари халқлари адабиётлари тўғрисида очерклар, айрим классиклар ва совет ёзувчиларининг қисқача ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида қизиқарли материаллар берилган. Дарслигнинг Шарқий славян ва молдаван халқлари адабиёти қисмида авторлар қардош Украин, белорус ва молдаван халқлари адабиётлари тўғрисида яхшигина маълумот берадилар. Шарқий славян ва молдаван халқлари етиштирган бадиий сўз усталари Т. Г. Шевченко, Л. Украинка, М. Рильский, А. Корнейчук (Украина), Якуб Колас, Петрусь Бровка, Максим Танк (Белоруссия), молдаван адабиётидан Емельян Буков, Андрей Лупанлар ҳаёти ва ижодий фаолиятларидан маълумот берилади ва уларнинг яхши асарларидан намуналар келтирилади.

Кавказ ва Закавказье халқлари адабиёти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиёти ҳам ўзининг узоқ ўтмиш тарихига эга. Территория жиҳатдан бир-бирига яқин турган бу халқлар адабиёти Низомий, М. Ф. Охундов, Алиакбер Собир, С. Вургун, М. Ҳусейн (Озарбайжон), Ованес Туманян, Егише Чаренц, Наири Зарян (Арманистон), Грузиянинг забардаст адиблари Шота Руставели, И. Чавчавадзе, И. Абашидзе, Доғистон санъаткорларидан Сулаймон Стальский, Расул Ғамзатовлар, қозоқ ва қиргиз халқларининг бадиий сўз усталари, Абай Қунонбоев, Тўхтағул Сотилганов, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов, Собит Мўқанов, Али Тўқумбоевлар, Қорақалпоқ шоирлари Бердоқ, Ж. Оймурзаев каби ўнлаб улуғ санъаткорларни етиштирдилар.

Китобда Кавказ ва Закавказье, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётлари тарихий тараққиёти тўғрисида қисқа, лекин мазмундор маълумот берилади. Булардан ташқари «СССР халқлари адабиёти» номли дарслик-хрестоматиясида Волга бўйи халқлари (татар, бошқирд ва чуваш) адабиёти ва Совет Иттифоқида яшовчи бошқа кардош халқлар (Бурят, Якут) адабиётлари ҳақида ҳам кенг маълумот берилган. Волга бўйи халқлари адабиётининг ажойиб вакиллари Абдулла Тўқай, Олимжон Ибрагимов, Мажид Ғафурий, Сайфи Қудаш, Мустай Карим, Педер Хузангай, Семён Эльгерларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида ва улар асарларидан парчаларни ўқиш мумкин.

Дарсликнинг энг характерли томонларидан бири шундаки, авторлар СССР халқлари ва адабиётларни дўстлигига алоҳида аҳамият берганлар. Маълумки, сўнгги йилларда қуёшли республикамизда қардош халқлар адабиёти ва санъати декадалари ва ҳафталиклари ўтказилиши бу миллий адабиётлар ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Дарслик гарчи ўзбек тилида ёзилган бўлса ҳам, лекин у бошқа қардош республикалар олий ўқув юртларининг студентлари учун ҳам зарур қўлланма бўла олади.

Афсуски, «СССР халқлари адабиёти» номи билан чоп этилган бу монументал ишда рус ва ўзбек адабиётлари ўз ифодасини топмаган. Дарсликнинг рус ва ўзбек адабиётлари ҳақида ҳам янги материаллар беришига ишонамиз. Китобхон мазкур асарнинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашри рус тилида ҳам бўлишини истайди.

Н. ШАРОПОВ,
Тожикистон ССР Фанлар академияси Рўдаки номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.

М. ҲАСАНОВ.
Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

СУЛҲ УЧУН КУРАШ

Михаил ШАТРОВ

— Хўш, айтингчи, ўртоқ Ленин,— ўрнидан туриб деди Стеклов,— наҳотки рус ерида қаҳрамонлар уруғи камайиб қолган бўлса?

— Йўқ, камайиб қолган эмас, Камайиши у ёқда турсин, бутун мамлакат бизнинг ёрдам сўраб қилган даъватимизга қаҳрамонларча лаббай деб жавоб берди. Аммо биз бу қаҳрамонликдан бемаъни фойдаланишимиз керакми?

— Наҳотки биз фин биродарларимизга ёрдам беришдан бош тортсакда, нотенг курашда уларнинг якка-ёлғиз ҳалок бўлишига индамай қараб турсак?

Ленин кулимсираб деди:

— Кеча Финляндия темир йўлида қандай бахтсиз ходиса юз берганидан сизнинг хабарингиз борми? Қурол-ярог ортилган бир неча эшелон темир йўлчиларнинг «мусоҳаласи» орқасида жанубга бориш ўрнига тўғри Финляндияга қараб жўнабди. Бундай «кўнгилсиз» хатолар чегарада доим бўлиб туриши мумкин.

— Хўш, ифлослик, ярамаслик камроқ бўлган йўлдан борилса бўлмасмиди?—деб қичқирди Стеклов.

— Эҳе, ҳали сиз революция йўли чаман гуллар билан безатилган деб ўйлаб юрибсизми? Сизнингча биз галабадан галабага «Интернационал» садолари остида, қўлимизда байроқларни ҳилпиратган ҳолда борар экан-миз-да? Ундай бўлса революционер бўлиш жуда осон-ку! Революция—тарала бедод қилиб юрадиган сайр-саёҳат эмас! Йўқ!

— Пролетар давлатининг империализм билан ҳеч қандай муносабат боғлаши мумкин эмас,— тажанглик билан деди Стуков.

— Хўш, айтингчи, муҳтарам марксистлар, шундай қилганда сиз социалистик давлатни реал иқтисодий ва халқаро муносабатлар занжиридан узиб ташламайсизми?

— Бизнинг фикримизча, шундай қилганда биз марксизмнинг софлигини ҳимоя қилиб қолган бўламиз,— деди Стуков.

— Албатта, албатта,— деди киноя билан Ленин,— социализм билан капитализм ўртасида фақат икки хил муносабат: ё уруш ёки танимаслик муносабати бўлиши мумкин, холос деган даъво, бу—шубҳасиз марксизмга қўшилган ҳиссадир.

— Революция муроса-мадорага йўл қўймайди!— деб бақирди Ломов.

Ленин у томон бурилиб, дарҳол жавоб қайтарди:

— Сизнинг муҳокамангиз тахминан бундай: революцион партия ўз табиатига кўра муроса-мадорага йўл қўймайди, модомики бизнинг партиямиз муроса-мадора қилаётган экан, демак, бизнинг партиямиз революцион партия бўлмай қолди...

— Аммо жуда ҳам унчалик эмас...

— Модомики сиз уруш ва сулҳ масалаларида бизнинг муросачилик йўлига кириб, таслим бўлганимизни исбот қилмоқчи бўлган экансиз, энди бундан хулоса чиқариб, партиянинг бутун сиёсати таслимчиликдан иборат дейишингиз ва сўнгра, албатта, партия умуман социализмдан воз кечди, деб исбот қилишингиз ҳеч гап эмас... Аммо лекин сизнинг далил ва мантиқингиз ҳам худди Чехов қаҳрамонларидан бирининг далил ва мантиқига ўхшайди. Чеховнинг ўша қаҳрамони сўроқсиз бир чақмоқ қандни олган ўғилчасига, бунақа ножўя ишни қилган кишининг қўлидан, албатта, уйни талаш ҳам, ота-онасини чавақлаб ташлаш ҳам, подшоҳ ҳазрати олийларини ўлдириш ҳам келади!— деган гапларни айтган.

— Ҳар ҳолда унинг ўғли бир чақмоқ қандни олганми, ахир?— деди кўрслик билан Ломов.

— Ўн чақмоқ қандни олган!— кулиб юборди Ленин.

Залдагилар қарсак чалиб Ленин фикрини қувватлади. Бошқа савол берилмади. Жанг-жадалдан изтиробга келган Ленин ўрнига бориб ўтирди. Свердлов ўрнидан турди.

— Энди овозга қўямиз, ўртоқлар. Кимда-ким герман шартлари дархол қабул қилинсин, деса қўл кўтарсин. Хўш, хўш, хўш. Қаршилар. Хўш, хўш. Кўпчилик 34 овоз билан биз мазкур шартларни қабул қилиш қарорига келдик. Бетарафлар 12 киши.

Стеклов сўз сўради:

— Ўртоқлар! Сулҳ масаласи жуда муҳим. Аслини олганда бунда жаҳон революцияси масаласи: ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинмоқда. Мен фракциядан ҳар бир кишининг эркин овоз беришига рухсат этишни сўрайман, токи у киши халқаро пролетариати учун қандай қилса яхши бўлишини ўйлаб кўрсин.

Ҳамма жим бўлиб, Свердловнинг жавобини кутди. Свердлов бу саволга жавоб беришга тайёр бўлса-да, ҳар ҳолда ҳаяжонланиб турарди, чунки бутун курашнинг оқибати фракциянинг бу масалани, яъни эркин овоз беришга рухсат этиш-этмаслик масаласини ҳал қилишига боғлиқ эди.

— Ўртоқлар!— деб қўлини юқори кўтарди Свердлов.— Ҳақиқатан бунда жаҳон революциясининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинаётганлиги учун ҳам Бутунроссия Марказий Ижрокомида Марказий Комитет ва бизнинг фракциямиз кўпчилиги қабул қилган қарорни ўтказмоқ зарур. Партия бутун масъулиятни тамомила ўз зиммасига олади, бинобарин, ҳозирги вақтда, Бутунроссия Марказий Ижрокомининг бутун фракцияси бизга қарши чиқаётган ва биз жузъий кўпчиликни ташкил этган бир чоқда, бизнинг сафларимизда айниқса қаттиқ интизом ва жипслик бўлмоғи лозим. Ҳар бир овоз курашнинг оқибатини ҳал қилади. Кимда-ким партия интизомини ёқласа кўл кўтарсин!

— Ўртоқ Свердлов!— деб қичқирди Стеклов.— Масалани бу тарзда қўйиш ярамайди, мен ҳам партия интизомини ёқлайман!— ҳамма билан бирга у ҳам қўл кўтарди.

— Хўш, бордию номма-ном овозга қўйилсачи?— деб сўради депутатлардан қайси бири.

— Хўш, партия интизомичи?— жавоб қилди Свердлов унинг саволига мос оҳангда.

Шу пайт охирги қатордан латишларнинг вакили ўрнидан турди.

— Сиз бир нима демоқчимисиз, ўртоқ?— деб сўради ундан Свердлов.

— Ўртоқлар!— ҳаяжонланганидан қалтироқ товуш билан сўз бошлади латиш.— Биз латишлар ўз ташкилотимиздан йўл-йўриқ ололмадик, чунки орадаги фронт алоқамизни узиб қўйди. Биз ўртоқларимизнинг, бюромизнинг фикрини билмаймиз... Брест сулҳи эса Совет Латвиясини ҳалокатга дучор қилади. Биз бу сулҳни ёқлаб овоз берсак, уни имзоласак, демак, шу билан биз аслда латиш ишчилар синфининг энг яхши фарзандларининг, немислар қўлида азоб чекиб ётган якин дўстларимиз ва ўртоқларимизнинг ўлим ҳукмига имзо чеккан бўламиз. Биз сизнинг қарорингизга бўйсуниш фикрига келдик, биз сизлар билан бирга овоз берамиз, аммо сизлар бизнинг шу пайтдаги оғир ҳис-туйғумизни, кечираётган оғир дард-аламимизни тушунишларинг керак...

Латиш ўрнига ўтирди. Свердлов Ленинга эгилди. Владимир Ильич тез-тез унга бир нималар деди. Свердлов ростланиб қўлини кўтарди:

— Ўртоқлар! Биз инсон имкониятидан хориж нарсани талаб қила олмаймиз. Латиш ўртоқларга ҳақиқатан ҳам оғир. Владимир Ильич билан мен латиш ўртоқларга овоз бермасликка рухсат этишни таклиф қиламиз...

Ҳамма якдиллик билан қўл кўтарди.

— Латиш ўртоқлар! Фракция сизларга овоз бермасликка рухсат этади. Фақат битта илтимос бор: овозга қўйиш бошланганда залдан чиқиб кетинглар, токи фракция яктан ва жипс бўлиб қолсин. Овозга қўйишдан олдин бошқа ҳеч ким чиқиб кетолмайди. Партия интизомини унутманг, ўртоқлар. Фракция мажлиси ёпиқ. Ҳаммаларингиз тезда залга ўтишингизни сўрайман.

Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди ва эшикка йўналди. Бухарин Свердлов Ленинни қистарди.

— Соат икки бўлай деб қолди,— деди у,—вақт жуда оз қолди.

— Дарвоқе, тезроқ ҳаракат қилиш керак, —жавоб қилди Ленин.— Мен Царское село радиостанцияга доимий навбатчилик қилиш ҳақида тайинлаб қўйганман. Курьер шайланиб, Смольнийда бизни кутиб турибди.

— Мен номма-ном овозга қўйишдан қўрқаяпман,—деди Свердлов эшик олдида тўхтаб.— «Сўллар» ишни пачава қилиб қўйишлари мумкин.

— Йўқ, бундай қилишмас,— деди Ленин. Улар залга киришди.

* * *

Таврида саройи залидаги катта думолоқ соат вақт кечаси 3 дан 25 минут ўтганини кўрсатиб турарди. Ленин докладини муҳокама қилиш тамом бўлди. Энг охирда музокарага чиққан Мартов залдагиларнинг ҳуштак ва қарсаклари остида ўрнига бориб ўтирди.

Президиум столи ёнида ранслик қилиб ўтирган Свердлов ўрнидан турди, ҳамма жим бўлиб қулоқ солиб турди.

— Ўртоқлар! Биз ҳозир номма-ном овозга қўйишни бошлаймиз. Халқ Комиссарлари Совети Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети қарамогига фақат бир масалани: яъни немисларнинг янгидан таклиф этган сулҳ шартларини қабул қилиш керакми-йўқми? деган масалани тақдим қилади.

Лиқ тўла зал бу сўзларга қарсаклар билан, ҳуштак чалиб, гаҳар бир иккиланувчи учун, таҳмин қилинган ҳар бир сулҳ тарафдори учун кураш бораркди. Свердлов баланд овоз билан депутатларнинг фамилияларини айтиб қичқирарди:

— Закс?
— Қарши!
— Мартов?
— Қарши!
— Спиридонова?
— Қарши!
— Ге?
— Овоз бермайман!
— Фабрициус?
— Бетарафман!
— Аванесов?
— Сулҳ!
— Володарский?
— Сулҳ тарафдори!
— Косиор Станислав?
— Сулҳ тарафдори!
— Карпинский?
— Сулҳ тарафдори!
— Луначарский?
— Сулҳ тарафдори!
— Сталин?
— Сулҳ тарафдори!
— Бухарин?.

Бухарин ўрнидан турди, Ленинга қаради, уларнинг кўзлари тўқнашди, у Ленин кўзларига қараб турди-ю, лекин индамади, Ҳеч нима демади.

— Бухарин?— деб яна такрорлади Свердлов.

— Қаршиман,— деди ниҳолт Бухарин ва дарров ўрнига ўтирди.

Зал бақириқ-чақириқларга тўлди:

— Офарин! Шаманда! Нифоқчи!

— Ўртоқлар, сўрайман, жим бўлинглар! Овозга қўйишни давом эттирамиз:

— Камков?
— Қарши!
— Троцкий?

Ҳеч кимдан садо чиқмади, зал жим, ҳамма охирги қаторга кўз югуртириб Троцкийни қидирарди. Аммо у ҳеч жойда кўринмасди.

—Троцкий?— яна бир бор такрорлади Свердлов.

— Келган эмас!— жавоб берди кимдир.

Ленининг юзида салгина истеҳзо аломати кўринди-ю, дарров яна ғойиб бўлди. У яна жангга шайланиб турарди.

— Рязанов?
— Шармандали сулҳга қаршиман,— чўзиб жавоб берди Рязанов.

— Ленин?
— Сулҳ тарафдори!
— Лашевич?
— Сулҳ тарафдори!
— Менжинский?
— Сулҳ тарафдори!

* * *

— Овозга қўйиш тамом бўлди. Якунини эълон қилишга рухсат этинг. Сулҳ тарафдори бўлиб овоз берганлар—116, қарши овоз берганлар—85, бетараф қолганлар—26. Шундай қилиб, большевиклар фракцияси киритган сулҳ тўғрисидаги таклиф қабул иқлинди!

Свердловнинг сўнгги сўзлари бақириқ-чақириқлар ичига кўмилиб кетди. Большевиклар ўринларидан туриб, президиум ёнига бордилар-да, Ленин билан Свердловни кўршаб олиб, эшикка йўлландилар.

Сулҳ учун жаҳд-жадал билан кураш иккн ойдан ошиқ давом этди. Ленин ва унинг сафдошлари троцкийчиларга ва «сўл коммунистлар»га қарши жанг қилиб, сулҳ тузишга эришдилар ва Совет Россиясини герман империализмининг зарбасидан қутқариб қолдилар, мамлакат учун танаффусни қўлга киритдилар.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

қандай ҳал қилишига боғлиқ эди.

— Ўртоқлар!— деб қўлини юқори кўтарди Свердлов.— Ҳақиқатан бунда жаҳон революциясининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинаётганлиги учун ҳам Бутунроссия Марказий Ижрокомида Марказий Комитет ва бизнинг фракциямиз кўпчилиги қабул қилган қарорни ўтказмоқ зарур. Партия бутун масъулиятни тамомила ўз зиммасига олади, бинобарин, ҳозирги вақтда, Бутунроссия Марказий Ижрокомининг бутун фракцияси бизга қарши чиқаётган ва биз жузъий кўпчиликни ташкил этган бир чоқда, бизнинг сафларимизда айниқса қаттиқ интизом ва жипслик бўлмоғи лозим. Ҳар бир овоз курашнинг оқибатини ҳал қилади. Кимда-ким партия интизомини ёқласа кўл кўтарсин!

— Ўртоқ Свердлов!— деб қичқирди Стеклов.— Масалани бу тарзда қўйиш ярамайди, мен ҳам партия интизомини ёқлайман!— ҳамма билан бирга у ҳам қўл кўтарди.

— Хўш, бордию номма-ном овозга қўйилсачи?— деб сўради депутатлардан қайси бири.

—Хўш, партия интизомичи?— жавоб қилди Свердлов унинг саволига мос оҳангда.

Шу пайт охирги қатордан латишларнинг вакили ўрнидан турди.

— Сиз бир нима демоқчимисиз, ўртоқ?— деб сўради ундан Свердлов.

— Ўртоқлар!— ҳаяжонланганидан қалтироқ товуш билан сўз бошлади латиш.— Биз латишлар ўз ташкилотимиздан йўл-йўриқ ололмадик, чунки орадаги фронт алоқамизни узиб қўйди. Биз ўртоқларимизнинг, бюромизнинг фикрини билмаймиз... Брест сулҳи эса Совет Латвиясини ҳалокатга дучор қилади. Биз бу сулҳни ёқлаб овоз берсак, уни имзоласак, демак, шу билан биз аслда латиш ишчилар синфининг энг яхши фарзандларининг, немислар қўлида азоб чекиб ётган якин дўстларимиз ва ўртоқларимизнинг ўлим ҳукмига имзо чеккан бўламиз. Биз сизнинг қарорингизга бўйсуниш фикрига келдик, биз сизлар билан бирга овоз берамиз, аммо сизлар бизнинг шу пайтдаги оғир ҳис-туйғумизни, кечираётган оғир дард-аламимизни тушунишларинг керак...

Латиш ўрнига ўтирди. Свердлов Ленинга эгилди. Владимир Ильич тез-тез унга бир нималар деди. Свердлов ростланиб қўлини кўтарди:

— Ўртоқлар! Биз инсон имкониятидан хориж нарсани талаб қила олмаймиз. Латиш ўртоқларга ҳақиқатан ҳам оғир. Владимир Ильич билан мен латиш ўртоқларга овоз бермасликка рухсат этишни таклиф қиламиз...

Ҳамма якдиллик билан қўл кўтарди.

— Латиш ўртоқлар! Фракция сизларга овоз бермасликка рухсат этади. Фақат битта илтимос бор: овозга қўйиш бошланганда залдан чиқиб кетинглар, токи фракция яктан ва жипс бўлиб қолсин. Овозга қўйишдан олдин бошқа ҳеч ким чиқиб кетолмайди. Партия интизомини унутманг, ўртоқлар. Фракция мажлиси ёпиқ. Ҳаммаларингиз тезда залга ўтишингизни сўрайман.

Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди ва эшикка йўналди. Бухарин Ленинга сўзингизнинг устидан чиқмаяпсиз? Агар бир фракция тузсак, сизга айтамиз деб ваъда берган эдингиз, мана чурқ этмаяпсиз-ку...

— Ўзим кўраман деган эдингиз.

— Мана кўрдим. Фақат билмадим, танлаган йўлингиз шумикин? Хўш, қандай овоз бермоқчисиз?

— Қарши овоз бераман.— Бухарин тўхтаб Ленинга тик қаради.— Агарда мен, Николай Бухарин, ўз партиявий виждонимга хилофан, ўзимнинг комил ишончимга кўра, бизнинг революциямизни ўққа тутадиган қарорни ёқлаб қўл кўтарганимни сиз билганингизда, мени ҳурмат қилмай қўйган бўлардингиз.

— Мен, ўртоқ Бухарин, сиз ўзингизнинг овоз беришингиз билан буржуйларнинг ва ҳар қандай меньшевик аблаҳларнинг қўлида қўғирчоқ бўлганингизни кўрганим тақдирда, сизни ҳурмат қилмай қўяман.

Ленин қадамини тезлатиб олдинга юриб кетди. Залга кираверишда у яна Володарский билан Фишманни кўриб қолди.

— Хўш, нима бўлди?— ташвишланиб сўрарди Фишман.—Эркин овоз беришга рухсат эттиларингизми?

— Йўқ,— деб жавоб қилди Володарский,— биз ташкилий суратда чиқадиган бўлдик.

— Аммо сиз революцияни ҳалок қиласиз-ку!

Володарский елкаларини қисиб, залга кириб кетди.

— Соат ўрт бўлиб қолди. Ленин ҳамон минбар ёнида турарди. Овоз бериш жуда секинлик билан бормоқда эди. Ҳар бир овоз учун таржимаси,

(Боши газетамизнинг 18 январь сонида).

Марфуа Тўхтахўжаева Политехника институти архитектура кафедрасининг сергайрат стажёрларидан бири. Шу кунларда у Мирзачўлдаги турар-жой бинолари лойиҳаси устида ишламоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ЧИНОР

Неча асрларнинг бўлиб гувоҳи,
Чинор кўк тўшига қўйиб турар
бош
Тунларда тўлин ой, кундузи қуёш,
Бир лаҳза тарк этмас ундан
нигоҳин.
Ҳар кишн қаршингдан ўтган
чоғида,
Хаёл денгизида сузар елкандек,
Ўйлар неча ёшга кирди чинор деб;
Олам мазмуни бор бундай
сўроғда!
Соянгда ўлтириб, сени ўтқазган
Инсон хотирасин эсладим бир-бир.
У уста соҳибкор, ўша боғбон
Чинор билан бирга кўради умр...

Кенжа ҲАМРОЕВ,
Дўрмон.

МАНЗИЛ ВА ЁР

Кўзлаган манзилнинг узоқ бўлса
ҳам,
Чекинмай олга юр, олга ҳаётда,
Оёқда етмассан манзилга балки,
Ишончинг элтгуси сени қанотда.
Дилдаги истагим этай ошкора,
Кошкийди бир нафас висолга
етсам,
Олардим ўзимга дуё азобин,
Бошимни қўйсам кўксига бирдам,

Шуҳрат УМАРОВ.

Спорт

ФУТБОЛ. 16 январда Парижда Европа биринчилиги қатнашчиларн ўртасида қайси командалар ўзаро учрашишини аниқлаш учун қураа ташланган эди. СССР терма командаси чорак финалда Венгрия футболчилари билан учрашишни хабар қилган эдик. Бу командалар 1968 йилнинг 15 майгача иккита ўйин ўтказишлари керак. Агар совет футболчилари ғолиб келса ярим финалда Болгария—Италия матчи ғолиби билан беллашадилар.

Қураа ташлаш бўйича бошқа командалар қуйидагича бўлиндилар: Италия-Болгария, Франция—Югославия, Испания эса Англия ва Шотландия ғолиби билан учрашади. Жаҳон чемпиони Англия терма командасини жиддий синов кутяпти. Инглизлар ҳозирча 8 очко билан группаларида пешқадамлик қилишяпти. Шотландия футболчилари 7 очкога эга. Сўнгги ўйин Глазгода бўлади. Жаҳон чемпионлари чорак финалга чиқишлари учун ғалаба қозонишлари, ёки ҳеч бўлмаганда дуранг қилишлари керак.

31 мамлакат терма командалари қатнашган ва биринчи марта ўтказилаётган Европа биринчилигининг ғолиби қайси команда бўларкин?

* * *

ШАШКА. Спортнинг бу тури бўйича ўтган йилги республика чемпионатининг ғолиби аниқланмай қолганди. Самарқандлик спорт мастери С. Борухов ва тошкентлик спорт мастери Л. Хейфлар тенг очко тўплашганди. Чемпионни аниқлаш мақсадида бу икки спортчи ўртасида қўшимча 5 партиядан иборат ўйин ўтказилди. С. Борухов ғалабага яқин эди. У иккинчи партияда ғалаба қозонди. Биринчи учрашув дуранг бўлиб тугаганди. Учинчи партияда ҳам ғолиб аниқланмади, Тўртинчи сафар эса тошкентлик спортчи устун келди. Ҳисоб тенглашганда сўнгги охирги ўйинда иккала шашкачи жуда эҳтиёткорлик билан иш тутди. Ютқазиб қўйган томон республика чемпиони деган фахрли унвондан маҳрум бўларди. Бу партия ҳам дуранг натижа билан якунланди. Ҳисоб 2,5:2,5.

Ўзбекистон шашка федерацияси С. Борухов ва Л. Хейфнинг иккаласига республика чемпиони деган унвон беришга қарор қилди.

* * *

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ўтган йили «Правда» газетаси совғини учун бўлган кросс мусобақасида ғалаба қозонган тошкентлик Ашур Нормуродов, тўсиқлардан ошиб югуришда жаҳон рекордчиси Роза Бабич, қисқа ва узоқ масофага югурувчилар И. Хованская, А. Берштейн, С. Сапарбоевлар мамлакат терма командасига номзод қилиб киритилдилар. Бу спортчиларнинг ҳаммаси республика енгил атлетика федерацияси тан олган энг кучли 25 спортчи қаторидан жой олишган. Баландликка сакровчи О. Левоненко, найза отувчи Г. Скапозубова, ўнкурашчи В. Урмонов, баландликка сакровчи Г. Кутякиннлар ҳам кучли енгил атлетикачилар рўйхатига кирган.

* * *

ХОККЕЙ. Эртага СССРнинг иккинчи терма командаси сафарга жўнайди. Хоккейчиларимиз Швеция ва Финляндияда ўртоқлик учрашувлари ўтказишади. Биринчи терма команда эса 22-январда Стокгольмда бўлади. 23 ва 25-январда Швецияда бўладиган ҳар иккала ўйин телевидение орқали олиб кўрсатилади.

ЖУРНАЛНИНГ ИНГЛИЗЧА НУСХАСИ

«Гелиотехника» илмий журнали республикамиз гелиотехника фани ютуқларининг кўзгуси бўлиб қолган. Унинг саҳифаларида ёритилаётган мақолаларда бу фаннинг актуал масалалари хусусида бахс юритилади.

Шунинг учун ҳам журнал мамлакатимиздан ташқари чет элларда ҳам қизиқиш уйғотиб келмоқда. Америкалик гелиотехник олимлар ҳам бу журналин ўқиб боришади.

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Америкадан журнал олди. Бу шу журналнинг инглиз тилида чиқарилган нусхаси эди. Журналда қуёш энергиясидан фойдаланишга оид қимматли илмий фикрлар баён этилганди.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Карл Маркс штадтдаги Ф. Геккерта номли станок қурилиш заводи республикада энг улкан корхоналардан бири ҳисобланади. Бу завод 1968 йилда Совет Иттифоқи учун мўлжалланган станокларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Суратда: завод цехларининг бирида.

АДН-ТАСС телефотоси.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

БОЛГАРИЯ МАШИНАСОЗЛИГИ

СОФИЯ. Болгариянинг машинасозлик саноатида 177 корхона бор. Бешинчи беш йиллиннинг охирига келиб 63 та янги машинасозлик заводи қурилади. Бу заводларнинг 14 таси шу йил ишга туширилади. Мавжуд корхоналарнинг 70 дан кўпроғи тамомила реконструкция қилинади ва автомат поток линиялар билан таъминланади.

Болгария ўз машина ва ускуналарини жаҳондаги неча ўнлаб мамлакатларга экспорт қилмоқда.

МИЛЛИОНЛАРЧА КИШИЛАР ИЛМ-ФАНДАН БАҲРАМАНД БЎЛМОҚДАЛАР

БЕРЛИН. 8 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш, яъни Германия Демократик Республикаси аҳолисининг қарийб ярми ўтган йили «Урания» жамияти амалга оширган тадбирлардан баҳраманд бўлди. Бу жамият сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш билан шуғулланмоқда. Олимлар, педагоглар, пропагандистлар Германия Демократик Республикасидаги корхона ва кооперативларнинг, муассаса ва олий ўқув юртларининг ҳамиша азиз меҳмонларидир. Улар бир йил ичида 220 мингдан ортиқ лекция ўқишди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан жамият кўп иш қилди.

ГРАФИКА ВИСТАВКАСИ

БЕРЛИН. Немис санъат академияси (ГДР) СССР бадиий академияси билан биргаликда Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги шарафига графика асарлари виставкасини ташкил этади. Виставка экспонатлари пролетариатнинг Париж Коммунасидан тортиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврни ичида олиб борган революцион курашини акс эттиради. Виставка Совет Иттифоқида ва Германия Демократик Республикасида намойиш қилинади.

(ТАСС).

Совет ҳукуматининг туҳфаси

ФОРТ-ЛАМИ, 17 январь. (ТАСС). СССРнинг ЧАД республикасидаги элчиси В. П. Вдовин бугун Совет ҳукуматининг туҳфаси — бир туркум дори-дармонларни ЧАД соғлиқни сақлаш министрлигига топширди.

ЧАД соғлиқни сақлаш министри Али Кеке туҳфани қабул қилиб олиб, ёш республикага берган ана шу ёрдами учун Совет ҳукуматига ташаккур изҳор қилди.

Али Кеке ЧАД республикасининг бир қанча районларида ишлаётган совет врачларининг фидокорона меҳнатига ҳам юксак баҳо берди.

СОВЕТ-ЧЕХОСЛОВАК ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

ЯН ЖИЖКА ДАВРИДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА

Совет-Чехословак дўстлиги жамияти ўз фаолиятининг ўн йиллигини нишонламоқда. ТАСС мухбири С. Лубо жамият марказий правленеси раисининг ўринбосари А. А. Булгаковга мурожаат қилиб, қардош мамлакат меҳнаткашлари билан алоқалар қандай ривожланиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Халқларимизнинг дўстлиги, деди А. А. Булгаков, ўзининг қадимий тарихига эга. Бир вақтлар Грюнвальд яқинида чет эл фотнхларига қарши олиб борилган жангда ажойиб чех саркардаси ва ватанпарвари Ян Жижка қўл остидаги отряд боболаримиз билан бирга курашган эди. Халқларимизнинг озодлик ва мустақиллик учун биргаликда олиб борилган жангларда чиниққан дўстлиги Соколов ва Киев ёнида, Дуклада ва Острава бўсағасида, Словакия тоғларида ва Прага кўчаларида олиб борилган шиддатли жангларда Совет Иттифоқи ва Чехословакия ўғил ва қизлари тўккан қон билан мустаҳкамланди. Ана шу қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун 1958 йилда бизнинг жамиятимиз тузилди.

Ҳозирги вақтда уч мингдан ортиқ корхона, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, ўқув юртлари, колхоз ва совхозлар жамиятининг коллектив аъзосидир. Москванинг бир ўзидагина 150 дан ортиқ корхона ва муассаса жамиятининг коллектив аъзоси бўлди. Еттита иттифоқдош республикада, 15 областда ва мамлакатимизнинг 100 дан ортиқ шаҳрида жамият бўлимлари ташкил этилди.

Бизнинг асосий вазифамиз — коммунистик ва социалистик қурилиш тажрибасини айирбошлашга ёрдам беришдан, совет кишиларини чехословак халқининг тарихи, маданияти, турмуши ва меҳнат зафарлари билан таништиришдан иборат. Совет-Чехословак дўстлиги ойликлари, Москвадан тортиб Чехословакия Социалистик Республикасининг давлат чегарасигача ўтказилдиган дўстлик ва тинчлик эстафеталари, иттифоқдош республикаларда уюштирилаётган Чехословакия маданияти кунлари, жуда кўп кечалар, йиғилишлар, митинглар, виставкалар шу мақсадга хизмат қилади. Масалан, Чехословакия немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган кунининг 22 йиллигига бағишланган тадбирларда Москваликлардан 100 минга яқин киши қатнашди.

А. А. Булгаков сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: бизнинг жамиятимиз чехословак—совет дўстлиги иттифоқи билан маҳкам алоқа боғлаган. Бу иттифоқнинг ўтмишдоши—янги Россия билан иқтисодий ва маданий алоқа жамияти ва СССР дўстлари иттифоқи буржуазия ҳукм сурган даврда мамлакатимиз тўғрисидаги ҳақиқатни қандай зўр мардлик билан кенг оммага тушунтирганликларини яхши биламиз. Совет Россияси билан дўстлик учун курашган оммавий ҳаракатнинг биринчи ташкилотчилари ва раҳбарларнинг номи — Зденек Неедла, Богумир Шмераль, Юлиус Фучик, Богуслав Врбенский ва чехословакиялик бошқа ўртоқларимизнинг номлари бизга яхши маълум.

Совет жамоатчилиги чехословак—совет дўстлиги иттифоқи бажараётган катта ишларга юксак баҳо бермоқда. Бу иттифоқ Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашларини совет халқининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари билан, кўп миллатли совет маданияти ютуқлари билан кент таништирмоқда.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ мис конлари кончиларининг ва АҚШ мис эритиш саноати ишчиларининг умумий забастовкаси 7 ойдан бўён давом этмоқда. Забастовкада 50.000 дан кўпроқ ишчи қатнашмоқда. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини ва саноат компаниялари билан коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқи таъминлаб берилишини талаб қилмоқдалар.

Забастовка қўршовида қолган корхона эгалари можарони ҳал этишга ҳукумат аралашишини талаб қилмоқдалар.

БЕЛЬГИЯ

БРЮССЕЛЬ. Фарзженнадаги Ротон кўмир конларида 2 мингдан кўпроқ киши қатнашаётган забастовка давом этмоқда. Иш ташловчилар ишдан бўшатилган касаба союз ходимининг дарҳол ишга олинишини талаб қилмоқдалар.

Анденнадаги «Бельреф» заводининг ишчилари иш ҳақи оширилсин деган талабни кўйиб, иш ташладилар.

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон авиация корпорацияси Деҳли бўлимининг хизматчилари ўз касаба союзининг чақирғига биноан забастовка эълон қилдилар. 2700 киши ишга чиқмади. Касаба Союз вакилининг айтишича, забастовка «дирекция касаба союз билан тузилган битимнинг ишчиларнинг иш ҳақига тааллуқли бўлган баъзи моддаларини бажармаётганлигига» қарши норозилик белгиси остида ўтказилди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Америка босқинчиларининг Вьетнам ерида олиб бораётган жирканч уруши давом этмоқда. Америка интервентлари ва Жанубий Вьетнамдаги уларнинг малайлари юзлаб ёш гўдакларни ва аёлларни қамоқхоналарда азоб бериб қийнашяпти, аҳоли яшайдиган қишлоқларни эса напалм бомбалари билан ёндиришмоқда. Улар шу орқали қаҳрамон вьетнам халқини таслим қилишмоқчи. Бироқ Америка ҳарбийларининг бу босқинчилик урушига қарши қаҳрамон вьетнам халқи қаршилик кўрсатиб келмоқда. Жанубий Вьетнам озодлик армияси сафига кираётган кўнгилликларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Улар ўз ватанларини ҳимоя қилиш учун доимо тайёр туришибди. Суратда: Жанубий Вьетнамлик болалар Дананга яқинидаги қамоқхоналарнинг бирида.

«Дейли Телеграф» газетасидан олинган сурат.

ТУНИСДАГИ БЎРОН ОҚИБАТЛАРИ

ТУНИС, 17 январь. (ТАСС). Кейинги кунларда Тунис территорияси устида қаттиқ шамоллар бўлиб, температура жуда пасайиб кетди. Бунинг натижасида мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига анча катта зарар етказилди. Марказий ва шимолий областларга қор ёғди. Баъзи жойларда 1 метр қалинликда қор ёғди. Ана шу районлардаги қўй ва қорамоллар шошилинч суратда бошқа жойлардаги яйловларга ҳайдаб олиб кетилмоқда. Айрим жойларда чорва моллар нобуд бўлди.

Цитрус плантациялари айниқса кўп зарар кўрди. Тахминий маълумотларга қараганда, қарийб 4 минг тонна миқдоридаги апельсин ва лимонни шамол дарахтлардан учириб кетган.

ЭКВАДОРДА УЙ-ЖОЙ ТАНҚИСЛИГИ

ГУАЯКИЛЬ, 17 январь. (ТАСС). Эквадорда уй-жойларга жуда катта эҳтиёж пайдо бўлди. «Пуэбло» газетасининг маълумотларига қараганда, 1966 йилнинг охирига келиб мамлакатда 650 минг уйжой етишмади. 1967 йилда ҳам аҳвол яхшиланмади.

Газета, мамлакатда ҳар йили уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг атиги беш процента қондирилмоқда, деб таъкидлайди.

СОҒЛОМ ТАНДА—СОҒ АҚЛ

★ Чиниққан қиш чилласида ҳам қирчиллайди.
★ Юрак, асаб, бадантарбия.
★ Врачлар маслаҳатчингиз бўлсин.

Акмалжонни кўрган кишининг ҳаваси келади. У хушчаҳчаҳ, чаққон. Қор-ёмғирли кунларда ҳам ҳовлида бадантарбия қилиб, югуриб юрганини кўраман. Қиш кунларда эрталаб совуқ сувда ювинаётганида баданидан буғ кўтарилади.

Шуниси ажабланарлики, у бирон марта касал бўлганлигини ёки ланж бўлиб юрганини кўрмайсиз.

Ҳа, чиниққан киши ҳар хил касалликларга чалинмайди. Ота-боболаримиз: «Чиниққан киш чилласида ҳам қирчиллайди» деб бежиз айтишмаган. Бундай кишилар обҳавонинг тез совиб, тез исишига қўникиб кетадилар. Шунинг учун ҳам кўпгина касалликларга учрамайдилар.

Ёш боладан тортиб то нуроний чолу кампирларгача организмни чиниқтириш билан шуғулланишлари мумкин. Кўпгина улуғ кишилар умрларининг охиригача организмни чиниқтириш билан шуғулланганликлари ва қариганда ҳам доимо тетик ва бардам ҳаёт кечирганликлари тарихдан маълум. Масалан, доҳимиз В. И. Ленин совуқ сувда ювинишни, тоғда сайр этишни, очиқ ҳавода яёв юришни ўзига одат қилиб олганди. Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам умрининг охиригача баданни чиниқтириш билан шуғулланган.

Организмни чиниқтириш омиллари хилма-хил ва кўп. Лекин, шуни унутмаслик керакки, организмни чиниқтиришдан олдин ҳар бир киши врач билан маслаҳатлашиши, ўзи учун организмни чиниқтиришнинг қайси тури қулай ва фойдалилигини ҳамда ундан фойдаланиш тартибини билиб олиши зарур. Киши баданни чиниқтиришни аста-секин ошириб, узлуксиз шуғулланганда ва чиниқтиришнинг кўпгина турларини комплекс (биргаликда) олиб боргандагина етарли натижаларга эришади.

Бадантарбия билан эрта тонгда уйқудан турганч, очиқ ҳавода, ялонг борича енгил кийимда шуғулланган яхши! Кечаси киши дам олганда аъзолардаги энг кичик қон-томирлар — капилярларнинг ярмидан кўпи вақтинча беркилиб, улардан қон ўтмайди. Кишининг бутун аъзоларига қонни ҳайдаб берувчи мотор — юрак ҳам минутига 50—55 марта урабошлайди. Соғ кишининг юраги чарчаганда минутига 70—80 марта уради.

Киши эрта билан бадантарбия қилганда тунда ёпилиб қолган капилярлар тўла очилиб, аъзолар қон билан яхши таъминланади.

Юрак ҳам, худди инженернинг кўригидан ўтган мотордек ишга тайёр туради, кишининг руҳи енгилланади, асаби тинчланади.

Бадантарбия чарчаганда ҳам кишига куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам кўпгина завод, фабрикаларда иш ўртасида 5—10 минутлик гимнастика машқлари ташкил этилган.

Бадантарбиянинг моҳиятига тушуниб етмаган баъзи кишилар: «Икки челак сув олиб келсанг ҳам қонинг юришади» дейишади. Лекин, ҳар қандай иш бадантарбиянинг ўрнини босолмайди.

Ҳаво ваннаси ҳам баданни чиниқтиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳўл сочиқ билан баданни артиш, устидан сув қуйиш ёки душда ювиниш ва сувда чўмилиш, баданни чиниқтиришнинг муҳим тури ҳисобланади.

Мабодо, баданни чиниқтириш билан бирор кун шуғулланилмай қолинса, киши кечгача ўзини ҳорғин, ланж сезади. Баъзи кишиларда уйқуга мойиллик, чарчашлик, асабнинг бузилиши каби ҳоллар учрайди. Агар бадантарбия қилинса, душда ювинилса ёки баданни чиниқтиришнинг қўлланилаётган тури қайтарилса бу белгилар дарҳол йўқолади. Киши яна ўзини бардам, тетик, чаққон ва енгил сеза бошлайди.

Ҳурматли ота-оналар! Болаларингизнинг соғлом, тетик ва касалликларга берилмайдиган бўлишини хоҳласангиз, уларни ёшликдан чиниқтиринг. Машқларни бажараётганда врачлар маслаҳатчингиз бўлсин!

К. ОЛИМЖОНОВ,
Республика санитария маърифи уйининг ходими.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан— Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55— Эшиттиришлар программаси, 18.00— Телеянгиликлар, 18.15— Мультфильм (болалар учун), 18.35— Пионерларнинг ишлари, 19.00— Романовлар династиясининг емирилиши (ҳужжатли фильм), 20.10— Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.15— Телеянгилиқлар, 20.35— Ўзбекистон чорвадорлари (чорвадорлар учун), 21.00— Экран қуйлари.

21.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.15— Минг бир ҳикмат («Ёшлик» студияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00—Ўқув эшиттиришлари программаси. Ёгларнинг хусусияти ва қўлланилиши (мактаб ўқувчилари учун). 18.30— Инглиз тилидан 12-машғулот (студентлар учун) 19.10—чизма геометрия

20.00 дан Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.40 Эль Грекониинг асарлари (телефильм).

Рус тилида: 20.05— Пушкининг ҳалокати (ҳужжатли фильм), 20.55— Катта ҳаёт (бадиий фильмнинг иккинчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —20/I да Марварид изловчилар.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —19/I да Парвона, 20/I да Қирол Лир.

КИНО

Аркадий Райкин — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

XX аср фаусти—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Совхон аравадан тушган одамлар (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 9-45 минутда), Ҳаёлий бахт (кундуз 12.2, кеч 6 ва 8 да)—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ».

Чангда қолган гул (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-30 ва кеч 7-20 минутда).

«СОЮЗГИПРОЛЕСХОЗ» УРТА ОСИЕ ЭКСПЕДИЦИЯСИГА
лесомелиоратор инженер ва техниклар, техник топографлар, тупроқшунослар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 10-уй (7, 14-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ
Тошкент шаҳрида 6 соатлик иш куни билан ишлаш учун 8-10 синф ҳажмида маълумотли 17 дан 25 ёшгача бўлган хотин-қизларни
ТЕЛЕФОНИСТКАЛАР КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқувчиларга стипендия тўланади.
Меҳнат ҳақи вақтбай—мукофот тариқасида тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, (янги бино).

ГРАЖДАНЛАР!
Ҳаво билан аралашган газ портлаши мумкинлиги ёдингизда бўлсин!
Хона ичида газ ҳидини сезиб қолсангиз чекманг, ўт ёқманг, электр асбобларидан фойдаланманг, деразаларни очинг ва хонани шамоллатинг ва дарҳол 5-26-20, 5-26-21 телефонлари орқали авария хизматига маълум қилинг.
Газдан фойдаланганингизда севгир ва эҳтиёт бўлинг!

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
Ҳамма истеъмолчилардан кунинг ёруғ пайтида уйлардаги, магазинлардаги, корхоналардаги, кўчалардаги, шунингдек бино ичидаги
ЭЛЕКТР ЛАМПАЛАРИНИ
учириб қўйишини сўрайди.
Кунинг ёруғ вақтида ташқи ёритиш лампаларидан фойдаланганларга огоҳ қилинмасдан
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
узиб қўйилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 35212, Редактор ўринбосарлари — 35885, 31232, Масъул секретарь—34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий шаҳар хўжалиги бўлими — 38761, Совет қурилиши, маиший хизмат ва оммавий ишлар бўлими — 34048, Эълонлар бўлими — 38142, Хатлар ва Коммутатор—30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 09845. ИНДЕКС — 64697. № Б—1776.